

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2019 йил октябрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья Э.Шамсутдинованинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Зиёвиддиновнинг котиблигида, давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Усмонов, судланувчи А.Ахмедовни иштирокида, Ахмедов Алишер Рахматовичга нисбатан 1-1004-1904/359-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

██████████ (██████████ ██████████) 1973 йил 21 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125-моддаси 3-қисми билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2) 18.04.2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми, 228-моддаси 2-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 31.12.2002 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Амнистия” тўғрисидаги Фармониغا асосан тайинланган жазодан озод этилган;

3) 08.11.2005 йилда жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-да назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100баравари миқдорида 783.500 сўм миқдорида давлат фойдасига жарима жазоси тайинланган (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига мувофиқ судлангалик ҳолати тугалланган)

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, ██████████ берк кўчаси, ██████████ уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланилган, айблов далалатномаси нусхасини 2019 йил 23 сентябрьда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

2019 йил 30 июль куни тахминан соат 22:00 ларда, Юнусобод тумани ИИО ФМБ хузуридаги 2-сон ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан Юнусобод тумани “Шайх-Шивлий” махалласида ўтказилган “қора-дори” тезкор тадбири давомида, олинган тезкор хабарга кўра, Юнусобод тумани, Шивли берк кўчаси 3-а уйга, холислар иштирокида кирилиб, ушбу уйда яшовчи [REDACTED] ўз истеъмоли учун ёнида сақлаб, юрган ичига ўткир хидли, кўкимтир рангли ўсимлик симон модда солинган 1.000 сўмлик купюра ичидаги моддалари билан бирга ва мазкур уйнинг ховлисидаги стол устида қонунга хилоф равишда мазкур гиёҳвандлик моддасини чекиш йўли билан истеъмол қилиш учун тайёрланган А.Р. [REDACTED] тегишли бўлган 5 литрлик устки қисми қирқилган ва мазкур елим идишнинг ичида турган 1.5 литрлик пастки қисми қирқилиб, тепа устки қисмига зар қоғоз бўлаги ўралган елим идишлар холислар иштирокида далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 2019 йил 31 июль кунидаги №2/534-сонли хулосасига кўра А.Р. [REDACTED] далилий ашё сифатида олинган елим идишнинг ички деворларидаги жигар рангли доғларида, фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол моддасининг излари борлиги аниқланган. Бундан ташқари А.Р. [REDACTED] олинган 1.000 сўмлик купюрага ўралган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган 0,63 грамм “ГАШИШ” гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи А. [REDACTED] суд мажлисида айбига иқрор бўлиб, у 2019 йил 30 июль куни соат 21.30 ларда уни олдига [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] исмли танишлари келишганлигини, сўнг у танишларини ховлисини орқа томонига таклиф қилганлигини, танишлари келишидан 40 дақиқа олдин гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилганлигини, сўнг мазкур танишлари билан ховлисини орқа томонига олиб кирган вақтида стол устида у гашишни истеъмол қилиши учун тайёрлаган 5 литирлик ва 1,5 литирлик елим идишлар стол устида турганлигини, танишлари стол устидаги нарсаларга аҳамият беришмаганлигини, нарда ўйнаб ўтиришган вақтларида соат 22.00 ларда олдиларига худудий профилактика инспектори билан ўзларини Юнусобод тумани ИИБ ходимлари деб таништирган ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан кириб келишганлигини, сўнг ИИБ ходимлари улардан нима қилаётганликларини сўрашганлигини, у эгнидаги шимимни ўнг чўнтагида турган 1.000 сўмлик купюрага ўралган гашишни столни тагига ИИБ ходимларидан кўрқиб кетиб, уни текширишларидан олдин ташлаб юборганлигини, у ИИО ходимларига танишлари билан нарда ўйнаб, ўтирганини айтганлигини, сўнг ИИО ходимлари столда турган 5 литрлик усти қирқилган ва ичидаги 1.5 литрлик таги қирқилиб, учига зар қоғоз билан ўралган ва чакиш учун мўлжалланган елим идишларни кўриб, ушбу баклашкалар кимга тегишли эканлигини сўрашганлигини, шундан сўнг у ўз айбига тўла иқрор бўлиб, ушбу баклашкалар ёрдамида танишлари келишидан

40 дақиқа олдин, гашиш гиёҳвандлик моддасини шу баклашкалар ёрдамида чекиш йўли билан истеъмол қилганлигини ва ИИБ ходимларидан кўрқиб кетиб, стол тагига 1.000 сўмлик купюрага ўралаган гашиш гиёҳвандлик моддасини ташлаб юборганлигини айтиб, стол тагидан гашиш гиёҳвандлик моддаси ўралган 1.000 сўмлик купюрани олиб берганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу 1.000 сўмлик купюрани ичини очиб кўришган вақтида ичида ўтқир хидли ўтсимон модда борлигини аниқлашганлигини ва ундан ушбу ичида гашиш гиёҳвандлик моддаси солинган 1.000 сўмлик купюрани ичидаги гашиши билан ҳамда 5 ва 1,5 литирлик елимдан ишланган идишларни ҳолислар иштироқида далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олишганлигини, шу сабабадан у пластик бакалажка ёрдамида гашиш гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганлигини, бу ҳақида ҳеч қимнинг хабари бўлмаганлигини, қилган ишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Г. ██████████ суд мажлисида, 2019 йил 30 июль куни соат тахминан 20:50 ларда, собиқ турмуш ўртоғи А. ██████████ хонадонига соат тахминан 21:30 ларда 3 нафар танишлари келганлигини, А. ██████████ билан кўп маротаба оилавий жанжал бўлиб турганлиги учун у хонасига кириб кетганлигини, соат тахминан 22:00 ларда, хонадонига ҳудудий профилактика инспектори, ИИО ходимлари ва икки нафар ҳолислар кириб келишганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари А. ██████████ ва унинг танишларини олдига бориб нима қилишаётганликларини сўраб суриштиришганлигини, шунда А. ██████████ ИИО ходимларига танишлари билан нарда ўйнаб ўтиришганлигини айтганлигини, ИИО ходимлари стол устида турган 5 литрлик ва ичидаги 1.5 литрлик учига зар қоғоз билан ўралган баклажкани кўриб, ушбу баклашкалар кимга тегишли эканлигини сўрашганлигини, шунда А. ██████████ стол устида турган 5 литрлик баклажкани ўзига тегишли эканлигини айтганлигини, у бир неча маротаба А. ██████████ баклажка орқали гиёҳвандлик воситаси чакиб ўтирганлигини кўриб қолган эканлигини, шундан сўнг А. ██████████ стол тагидан 1.000 сўмлик букланган купюрани олиб, ИИО ходимларига берганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари ушбу 1.000 сўмлик купюрани ичини ҳолислар иштироқида очиб кўришган вақтида ичида ўтқир хидли ўтсимон модда борлигини аниқлашганлигини, шунда ИИО ходимлари А. ██████████ ушбу ичида ўтқир хидли ўтсимон моддаси солинган 1.000 сўмлик купюрани ва 5 ва 1,5 литирлик идишларни ҳолислар иштироқида далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олишганлигини, айнан ўша куни жанжал бўлмаганлигини, ариза билан ИИО ходимлари келишганлигидан сўнг мурожаат қилганлигини айтиб кўрсатма берган.

Гувоҳ И. ██████████ суд мажлисида, 2019 йил 30 июль куни хонадонидан чиқиб, соат 21:00ларда, танишлари билан таниши А. ██████████ хонадонига нарда ўйнаш учун боришликга келишишганлигини, соат 21.30 ларда А. ██████████ хонадонига кириб келишганлигини, сўнг А. ██████████ уларни ҳовлисига олиб кириб, ҳовлини орқа томонига таклиф қилганлигини, улар А. ██████████ ҳовлисини орқа томонидаги стол-стулга ўтирганлигини,

шунда А. [REDACTED] билан Илдар нарда ўйнаб ўтирганликларини, у ва [REDACTED] уларни томоша қилиб ўтиришганини, орадан 30 дақиқа ўтганидан сўнг худудий профилактика инспектори билан ўзларини Юнусобод тумани ИИБ ходимлари деб таништирган ИИБ ходимлари икки нафар ҳолислар билан кириб олдиларига келишганлигини, сўнг ИИБ ходимлари улардан нима қилаётганликларини сўрашганлигини, шунда А.Р. [REDACTED] ИИО ходимларига нарда ўйнаб ўтиришганлигини айтганлигини, ИИО ходимлари столда турган 5 литрлик ва 1.5 литрлик учига зар қоғоз билан ўралган баклажкани кўриб, ушбу баклашкалар кимга тегишли эканлигини сўрашганлигини, шунда у стол устида турган баклажкани кўриб қолганлигини, ҳовлига кириб, нарда ўйнаш учун столга ўтирган вақтида, мазкур баклажкани кўрмаган эканлигини, А. [REDACTED] мазкур баклашкалар ўзига тегишли эканлигини, ушбу баклашкалар ёрдамида улар келишлигидан 40 дақиқа олдин, гашиш гиёҳвандлик моддасини шу баклашкалар ёрдамида чекиш йўли билан истеъмол қилганлигини ва ИИБ ходимларидан кўрқиб кетиб, стол тагига 1.000 сўмлик купюрага ўралаган гашиш гиёҳвандлик моддани ташлаб юборганлигини айтганлигини, А. [REDACTED] стол тагидан 1.000 сўмлик купюралик пулни ИИО ходимларига олиб берганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу 1.000 сўмлик купюрани ичини ҳолислар иштирокида очиб кўришган вақтида ичида ўтқир хидли ўтсимон модда борлигини аниқлашганлигини айтиб кўрсатма берди.

Гувоҳ И. [REDACTED] суд мажлисида, 2019 йил 30 июль куни соат 21:30 ларда, танишлари билан А. [REDACTED] хонадонига А. [REDACTED] хонадонига кириб келишганлигини, сўнг А. [REDACTED] уларни ҳовлисига олиб кириб, ҳовлини орқа томонига таклиф қилганлигини, шунда А. [REDACTED] билан у нарда ўйнаб ўтирганлигини, Иззат ва Улуғбеклар уларни томоша қилиб ўтиришганини, орадан 30 дақиқа ўтганидан сўнг худудий профилактика инспектори билан ўзларини Юнусобод тумани ИИБ ходимлари деб таништирган ИИБ ходимлари икки нафар ҳолислар билан кириб олдиларига келишганлигини, сўнг ИИБ ходимлари улардан нима қилаётганликларини сўрашганлигини, шунда А. [REDACTED] ИИО ходимларига нарда ўйнаб ўтиришганлигини айтганлигини, ИИО ходимлари столда турган 5 литрлик ва 1.5 литрлик баклажкани кўриб, ушбу баклашкалар кимга тегишли эканлигини сўрашганлигини, шунда у стол устида турган 5 литрлик ва 1.5 литрлик баклажкани кўрганлигини, А. [REDACTED] мазкур баклашкалар ўзига тегишли эканлигини, ушбу баклашкалар ёрдамида у [REDACTED] ва [REDACTED] келишлигидан 40 дақиқа олдин, гашиш гиёҳвандлик моддани шу баклашкалар ёрдамида чекиш йўли билан истеъмол қилганлигини ва ИИБ ходимларидан кўрқиб кетиб, стол тагига 1.000 сўмлик купюрага ўралаган гашиш гиёҳвандлик моддани ташлаб юборганлигини айтганлигини, А. [REDACTED] стол тагидан 1.000 сўмлик купюралик пулни ИИО ходимларига олиб берганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу 1.000 сўмлик купюрани ичини ҳолислар иштирокида очиб кўришган вақтида ичида ўтқир хидли ўтсимон модда борлигини аниқлашганлигини, шунда ИИО ходимлари А. [REDACTED] ушбу ичида ўтқир хидли ўтсимон моддаси солинган 1.000

сўмлик купюрани ва 5 ва 1,5 литирлик елимдан ишланган идишларни холислар иштироқида далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олишганлигини, қолганидан хабари бўлмаганлигини маълум қилиб ўтган.

Судланувчи А. [ ] айби, гувоҳнинг кўрсатувларидан ташқари далилий ашёни олиш ҳақида баённомаси, Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2/534-сонли хулосаси, юзлаштириш баённомалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фотоилова ва бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Судланувчи А. [ ] жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлашда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри малакаланган.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қароридаги раҳбарий кўрсатмаларга амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 55 ва 56-моддаларида назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, яъни А. [ ] томонидан содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, унинг шахсини, судланганлик ҳолатини тугалланганлигини, содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, унга нисбатан талқин қилинаётган санкция доирасида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд наркологик экспертизасининг 09.08.2019 йилдаги №668 сонли хулосасига кўра [ ] А. “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишини, ушбу касаллик чалинганлигини ва мажбурий тартибда даволанишга муҳтожлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддасини қўллаб, гиёҳвандлик ва алкоголизмдан мажбурий тартибда даволантиришни лозим деб топади.

Шунингдек, суд далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ ММТТББ МСБ ММСХОБда 0016677-сонли қвитанция асосида сақланаётган умумий оғирлиги 0,335 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

[ ] ( [ ] [ ] [ ] )  
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[ ] [ ] [ ] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақидан 10 фоиз миқдорида

давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати ҳукм ижро қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Р. [ ] нисбатан ҳукм ижроси рўйхатда турган жойи, яъни Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

А.Р. [ ] яшаш ва иш жойи ўзгартирилган тақдирда тегишли органларига хабар бериш мажбурияти юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, А.Р. [ ] нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Р.А. [ ] нисбатан умумий асосда тиббий муассасаларда тиббий йўсинда алкоголизм ва гиёҳвандликка қарши мажбурий даволаш тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ ММТТББ МСБ ММСХОБда 0016677-сонли қвитанция асосида сақланаётган умумий оғирлиги 0,335 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг кассация инстанцияси судлов хайъатига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи  
судья:

Э.Шамсутдинова